«М А Қ У Л Л А Н Г А Н»
Ўзбекистон Республикаси ҚваСХ
Вазирлиги Давлат ветеринария
Бош бошқармаси томонодан
9-август 2016 йилда.
ЎзР ҚваСХВ ДВББ қошидаги ИТК
04.08.2016 йилдаги № 72-сонли баённома.

ВЕТЕРИНАРИЯДА «СУПЕРКИЛЛЕР-Е» ПРЕПАРАТИНИ (25% КОНЦЕНТРАТЛИ ЭМУЛЬСИЯСИ) ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНМА

1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1.1 «Суперкиллер-Е» (25% диспергирланган сувли концентрат эмулсияси) – пиретроид инсекто-акарицид препарати, уни таъсир килувчи модда циперметрин-а-циано-3-феноксибензил-цис транс-2,2-диметил-3-(2,2-дихлорвинил) циклопропанкарбоксилат бўлиб ҳисобланади. Эмпирик формуласи: C22H19O3NCl2. Ташки кўриниши бўйича - оқ рангдан сарғиш - маллагача рангдаги кучсиз ўзига хос ҳидли ёғсимон суюқлик.

1.2 Препарат қуйидагича қадоқланган ҳолда чиқарилади:
- 0,1; 0,2; 0,5; 1,0; 1,2 л дан полимер бутылкаларга;
- 2,0; 3,0; 4,0; 5,0; 10,0; 15,0; 20,0; 25,0; л дан пўлат ёки полимер канистрларга;
- 50,0; 100,0; 200,0 л дан метал ёки полимер бочкаларга.

1.3 Препарат завод ўрамида, эҳтиётлик билан (Б рўйхати бўйича) омборхоналарда, озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқа-емлардан алоҳида, очиқ олов манбааларидан ва қиздирувчи мосламалардан узоқроқда +25°С дан юқори бўлган ҳароратда сақланади. Сақлаш шароитларига риоя қилинган ҳолда препаратнинг яроқлик муддати ишлаб чиқарилган санасидан бошлаб 3 йил.

2. ФАРМАКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1 Препаратни таъсири шундан иборатки, уни компонентлари ҳашоратларни нерв мембранлар билан ион каналларини тўсган ҳолда ўзаро таъсирга киришади, шу билан, нерв импульсларнинг нормал ўтказилишига тусқинлик қилади. Препаратни ёғли асоси таъсир қилувчи моддани тезкор киришига сабаб бўлади, бу эса паразитларни улимига олиб келади .

2.2 Циперметрин иссиқ қонли ҳайвонлар учун ўртача захарли бирикмалар қаторига киради ва тавсия қилинган дозаларда сиртга қўлланилганда захарланиш ҳолатларини чақирмайди.

2.3 Препарат сақланганда барқарор, сув билан оч сутсимон рангдаги эмульсия ҳосил қилган ҳолда, яхши эмульсияланади. Яйлов ва қичима каналарининг тухумлари, личинкалари ва катта ёшдаги турларига,битларга, бургаларга, пашша ва чивинларга нисбадан фаол.

3. ПРЕПАРАТНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ

3.1 Суперкиллер-Е», препаратни сувли эритмаларни (ишчи эмульсияларни) сепиш йули билан ҳайвонларга ишлов беради. Бунинг учун суюқликни босимини 2,5-3 атмосфера бўлишини таъминовчи турли - ДУК, ВДМ, ОДН сингари сепиш ускуналардан ва бошқа мосламалардан, шунингдек стационарли камерлик душлардан фойдаланадилар. Ишчи эмульсиянинг ҳарорати 15-25°С атрофида булиши, ҳайвонларга ишлов берган пайтда ҳавонинг ҳарорати +10°С паст булмаслиги керак.

3.2 ***Йирик шохли моллар, отлар, туялар, қўйлар, эчкилар ва чўчқаларнинг яйлов каналарига қарши кўрашиш учун 18 л сувга 12 мл «Суперкиллер-Е» препарати қўшилиб эмульсия тайёрланади.*** Ҳайвонларга тери-жун қопламаси тўлиқ ҳўллангунга қадар сепиш йули билан ишлов берилади. Ҳайвонларга 3 хафта оралиқ билан каналар ҳўжўм мавсумининг оҳиригача такрорий ишлов берилади.

3.3 ***Йирик шохли моллар, отлар, туялар, қўйлар, эчкилар ва чўчқаларнинг қичима каналари билан кўрашиш учун 60 мл препаратни 400 л сувга аралаштирилган ишчи эмульсияси сепилади.***

3.4 ***Қўйлар, эчкилар қичима касаллигига*** гумон қилинганда касалликни профилактика қилиш учун ***60 мл препаратни 830 л сувга аралаштириб*** тайёрланган ишчи эмульсия сепилади ёки 30 сониядан 1 дақиқагача муддат давомида чўмилтирилади. ***Ваннага 60 мл препаратни 622 л сувга аралаштирилган ҳолда ишчи эмульсия тўлдирилади***. Қичима каналар билан зарарланишнинг оғир ҳолларида, ***60 мл препарат 500 л сувга*** ҳисобида аралаштириб тайёрланган ишчи эмульсияси сепилади ёки 30 сониядан 1 дақиқагача ишчи эмульсияга ботирилган ҳолда чўмилтирилади. Бунда ваннага ***60 мл препарат 375 л сувга аралаштирилган ишчи эмульсия тўлдирилади.***

Зарур ҳолларда ишлов бериш 10 кундан сўнг такрорланади.

3.5 ***Пашшаларни йўқ қилиш учун 10 л сувга 40 мл препаратни аралаштиради, чивинларни йўқ қилиш учун 20 л сувга 40 мл препаратни аралаштиради ва танлаб улар тўпланган жойларга сепади.***

3.6 Чорвачилик биноларида каналарни йўқ қилиш учун 10 л сувга 40 мл препаратни аралаштиради ва ишчи эмульсия билан ишлов берилади. Молхоналарга ишлов берадиган юзаликнинг 1 м2 га 200 мл ишчи эмульсияси сепилади. Ишлов берилгандан кейин, 2,5-3 соатдан сўнг охирлар ва суғорчиларни 3% кальцийланган сода эртимаси билан дезактивлаш утказилади.

Ҳайвонларни дезакаризация утказилаган ҳоналарга 3-4 соатдан кейин жойлаштиради.

Молхоналар дезакаризаланганда каналардан ташқари битлар, бургалар, пашшалар, чивинлар ва бошқа хашотлар ўладилар. Зарурият булганда 10 кўн утгандан кейин ишлов беришни такрорлайдилар.

3.7 Молларнинг заҳарланиш ҳолатида (холсизланиш, сўлак ажралиши, тез-тез сийиш, нерв бузилиши белгилари) тери остига қўйидаги антидот киритилади: ҳайвонинг 100 кг тирик вазнга 1% атропин 1 мл. Агар интоксикация ўтмаса атропин худди шу дозада такрор киритилади.

3.8 Препарат билан ишлов берилгандан кейин ҳайвонларни гўштга сўйиш 10 кун утган дан кейин, сутни озиқ-овқат мақсадида ишлатишга 2 кундан сўнг рўҳсат этилади.

Препарат билан ишлов берилган ҳоналарда сақланган ҳайвонларни, сути ва гўшти озиқ-овқатга чексиз ишлатиш рўҳсат этилади.

4. ШАХСИЙ ПРОФИЛАКТИКА ЧОРАЛАРИ

4.1 Препарат билан ишлаш маҳсус кийимда, резина қўлқопларда, кирза этикларда ўтказилади. «А» маркали коробкали противогазлар ёки Ф-62М, Астра-2, Лепесток-5, Лепесток-40, Лепесток-200 респираторларни қўланиши мажбурий.

4.2 Препарат билан ишлаш пайтда чекиш, сув ичиш, овқатланиш ман этилади.

4.3 Иш тугаган дан кейин қўлларни илиқ сувга совун билан ювиши керак, оғиз ва бурун бўшлиғини илиқ сув билан чайқаш керак. Бушаган идишни ёқиш ва кумиш керак.

4.4 Препарат билан ишловчиларда заҳарланиш белгилари (бош айланиши, кўнгил айниши, сўлак ажралишининг кучайиши, кўздан ёш оқиши) пайдо бўлганда ишни тухтатиш , жабирланувчини ҳонадан чиқариш, маҳсус кийимни, ҳимоялаш мосламаларини ечиш керак ва юз-қўлларни илиқ сувда совун билан ювиш керак ва тибий ёрдамга мурожаат қилинади.

Препарат кўзга тўшганда, сув ёки 2 % - ош сода эритмаси билан ювиш керак. Кўзнинг шиллиқ пардасида таъсирланиш пайдо бўлганда кўзга 30% албуцид эритмаси,оғриқ сезилганда - 2% новокаин томчиланади.

Махсус антидотлар: атропин сульфат, диэтиксим, 2-ПАМ.

4.5 Препарат балиқлар, асаларилар ва бошқа ҳашоратлар учун захарли.

5. ЭЪТИРОЗЛАРНИ БИЛДИРИШ ТАРТИБИ

5.1 Ишлов берилган ҳайвонларда асоратлар пайдо бўлган ва препаратнинг таъсири ушбу қўлланма талабларига мувофиқ келмаган ҳолларда уни қўллаш тўхтатилади, бу ҳқида Ўзбекистон ветеринария препаратлари давлат илмий-назорат лабораториясига (ЎзДИНЛ) қуйидаги манзил бўйича ҳабар берилади: 100178, Тошкент ш., Қора-қамиш кўчаси, 1а. Тел./факс: 228-76-14, 229-3047. E-mail: vpinl@qsxv.uz. Шу билан биргаликда лаборатория манзилига, тегишли очилмаган препарат ўрамлари ва препаратнинг қўлланмага номувофиқлик тавсифи батафсил баён этилган хат жўнатилади.

Ishlab chiqaruvchi:
O'zbekiston-Buyuk Britaniya-Rossiya Qo'shma Korxonasi
«O'ZBIOKOMBINAT» MChJ
140532, O'zbekiston Respublikasi,
Samarqand viloyati, Pastdarg'om tumani,
«Namuna» QFY, O'rta - Charxin mahallasi,
Tel: +998 (95) 500 8161
Sotuv bo'limi: +998 (95) 509 0500
www.biokombinat.uz
info@biokombinat.uz

TS 00483044-05:2016

biveco®
biveco.com